

«ESKI JUVA DEHQON BOZORI» АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
Б А Ё Н И

2023 йил 31 март

Тошкент шаҳри

Соат 12-00

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони 28 уй.

Акциядорларнинг 2022 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Бозор майдони, 28 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2023 йил 31 март куни ўтказилди. Йиғилишда 2 169 979 овозга эга бўлган акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари

Камолов Т.К. – жамият кузатув кенгаши аъзоси,
Файзуллаев Ш.И – «Эски жува дехкон бозори» АЖ директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ёқубов Навзод

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Тоҳир Абдухалилов, Умид Юсупов ва Азиз Махкамов

Йиғилишга «Эски жува дехкон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Т.Камолов раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

6. Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи.

7. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

8. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

9. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

10. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

12. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақидаги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги 8-масала техник хато туйайли эълонга берилгани, аслида жамиятнинг амалдаги уставида Тафтиш комиссияси йўқлиги, шу сабабли ушбу

масалани кўриб чиқиш зарурияти йўқлигини айтиб, ушбу масалани муҳокама этмасликни таклиф этди.

Таклиф бўйича саволлар бўлмади ва бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

1. Биринчи масала юзасидан- 5 мин	8. Саккизинчи масала юзасидан-3 мин
2. Иккинчи масала юзасидан- 3 мин	9. Тўққизинчи масала юзасидан- 3 мин
3. Учинчи масала юзасидан- 3 мин	10. Ўнинчи масала юзасидан- 3 мин
4. Туртинчи масала юзасидан- 5 мин	11. Ўн биринчи масала юзасидан- 3 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин	12. Ўн иккинчи масала юзасидан- 5 мин
6. Олтинчи масала юзасидан- 5 мин	13. Ўн учинчи масала юзасидан- 3 мин
7. Еттинчи масала юзасидан- 5 мин	

Сўзга чиқувчиларга 3-5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори Ш.Файзуллаевнинг ҳисоботи тингланди.

«Эски Жува дехкон бозори» акциядорлик жамияти ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ -1326 сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бозорлар фаолиятига таълуқли бўлган қарор ва кўрсатмалари асосида олиб борди. «Эски Жува дехкон бозори» акциядорлик жамияти бошқаруви ўзининг устивор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бозор ҳудудида сотувчи ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бозор ҳудудида санитар-техник ҳолатни яхшилаш билан бирга долзарб масалалардан бўлган аҳолини арзон ва сифатли кишлоқ-хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини туларок қондириш, бозор фаолиятини тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга қулай шарт шароитлар яратиш, санитария ҳолатларни яхшилаш, ободонлаштириш ва истеъмол товарлари чакана савдосини тартибга солиш, бўйича амалга ошириладиган чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланиб, 2022 йил давомида тегишли ишлар амалга оширилди.

-Мавжуд савдо расталари оралиғидаги ортиқча буюмлар чиқариб ташланди ва таг қисмлари оқланди, савдо ўринлари инвентаризациядан ўтказилди.

-Бозор атрофи ҳудудларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳамда мавсумий гуллар эқилди.

- Бозорлар фаолиятини талаб даражасида тўғри ташкил этиш мақсадида ҳар куни эрталаб соат 9-00да иш бошланиб кеч соат 19-00 га қадар жойига чиқиб, бозорнинг санитар ҳолати ҳамда у ерда яратилган шароитларни мунтазам ўрганилди ва камчиликлар жойида бартараф этилди.

-Бозор ҳудудида умумий овқатланиш, савдо тармоқларида сотилаётган озиқ-овқат, кишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича иуман СЭО ва ЖСХ ҳамда ветеринария-санитария назорати кучайтирилди, ҳар бир маҳсулотнинг сифатини истеъмолга яроқлигини қафолатловчи ҳужжатларни олгандан сўнг савдо ташкиллаштирилди..

- Сотувчилар етарли миқдорда электрон тарозилар билан таъминланди.

-Сотилаётган чорвачилик, паррандачилик, балиқ ва баъзи кишлоқ хўжалик маҳсулотларини (салатлар ва бошқалар) ветеринария-санитария лабораториясининг таҳлилидан ўтказмасдан савдога қўймаслик чоралари кўрилди.

- Уй шароитида тайёрланган таомлар, салқин ичимликлар, кремли қандолат маҳсулотлари консервалар ва қўзиқоринларни давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг руҳсатисиз сотилиши қатъий таъқиқланди ва назоратга олинди.

- Аниқ жадвал асосида кундалик тозалаш ишлари ташкил этилди ва чиқиндиларни йиғилиб қолишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди

Мавжуд савдо ўринлари учун ўрнатилган тартибда патта тўловлари тўғридан-тўғри банк тизимига кирим килиниши таъминланди ва доимий назоратга олинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бозор маъмурияти томонидан ташкил этилган арзонлаштирилган қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкиллаштирилиб, ярмарка савдо расталарида шакар, писта ёғи, ун ва турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда сотилди. Шунингдек, бозорга бириктирилган Қашқадарё вилоят деҳқон хўжаликлари учун барча шароитларга эга савдо ўринлари ташкил этилиб, улар томонидан келтирилган маҳсулотлар сифати, ҳажми ҳамда нархлари доимий ўрганиб борилди ва кундалик маълумотлар тақдим этиб борилиши таъминланди.

Худудларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бозор худудига ўрнатилган видео камераларни доимий ишлаши операторлар томонидан назоратга олинди. Бундан ташқари худуддаги савдо дўконларидаги видео камераларни доимий ишлаши назоратга олинди. Мавжуд ёнғин ўчириш қалқонлари керакли анжомлар билан жиҳозланди.

Жамият «Бизнес режаси»нинг асосий қисми даромадлар ва харажатлар сметасидан ташкил топган бўлиб, унинг бажарилиши қуйидаги кўринишда ўз аксини топди: Ижара ҳақи режаси 1 447 698,0 минг сўм, амалда 1 539 609,0 минг сўм, режага нисбатан 91 911,0 минг сўмга кўп бажарилди. Жой ҳақи режаси 10 532 311,0 минг сўм, амалда 10 323 3921,0 минг сўмга бажарилди. Хизмат ҳақи режаси 3 076 619,0 минг сўм, амалда 3 303 149,0 минг сўм, режага нисбатан 226 530 минг сўмга кўп бажарилди.

Жамиятнинг 2022 йилга режалаштирилган харажатлар режаси 12 992 150,0 минг сўм, амалда 12 918 945,0 минг сўм, режага нисбатан 3 205,0 минг сўм кам харажат килинди.

Соф фойда режаси 1 027 518,0 минг сўм бўлиб, амалда 1 032 106,0 минг сўм режага нисбатан 4 589 минг сўм кўп бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207- сон қарори иловасининг 37- бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари 113,7 % ташкил этди

Жамият раҳбарияти ва ишчи ходимлари ҳукуматимиз раҳбарияти, ҳокимликлар томонидан чиқарилган қарорлар асосида ўз иш фаолиятини давом эттиради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «GREAT FOURS» МЧЖ томонидан миллий стандартларга кўра ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари билан таништириш учун сўз ушбу аудиторлик вакилига берилди. Аудитор вакили сўзга чиқиб, жамиятда аудиторлик текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисобот ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди.

Акциядорлар томонидан аудиторлик текширувида қандай камчиликлар аниқланганлиги, уларни бартараф этилиши бўйича саволлар бўлди.

Аудитор томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришда айрим камчиликлар бўлгани ва ушбу камчиликларни тўғрилаб, берилган таклиф ва тавсияларга кўра жамият ҳужжатлари тўғрилангани тўғрисида маълумот берилди (*аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Ф.Тўйчиев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жумладан,

Бухгалтерия баланси (минг.сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	17 092 621,0	Устав капитали	2 200 000,0
Узоқ муддатли инвестициялар	30 854,0	Резерв капитали	9 807 079,0
Товар моддий захиралари	3 069 333,0	Таксимланмаган соф фойда	1 029 865,0
Дебиторлик қарзлари	6 612 251,0	Жорий кредиторлик қарзлар	2 774 196,0
Пул маблағлари	171		
ЖАМИ	26 805 230,0	ЖАМИ	15 811 140,0
		СОФ ФОЙДА	1 032 106,0

Раислик қилувчи кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Ф.Туйчиев сўзга чиқиб, 2022 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори «GREAT FOURS» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича олинган 1 032 106,0 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф этилганлигини маълум қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2022 ва 2023 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 516.053,5 минг сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш;

- Соф фойдани 5% қисмини яъни, 51 605,3 минг сўмни жамиятнинг захира жамғармасига ажратиш;

- умидсиз қарздорликни қоплашга- 308380,3 минг сўм (судларга берилган ва ижросиз бўлган ҳамда даъво муддати ўтган қарздорликлар) ни ажратиш. Рўйхат иловада.

- қолган 156066,9 минг сўм соф фойдани жамиятнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қолдириш;

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият директори Ш.Файзуллаев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси” ҳамда “2023 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Шунингдек, жамият раҳбари 2023 йилда жамият худудининг барча жойларида ички инфратузилмани яхшилаш, бозорнинг ташқи кўриниш фасадига замонавий тус бериш, тадбиркорлар ва харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш, жамиятнинг ходимлари ойликларини босқичма-босқич ошириш, қарздорликларни батамом камайтириш бўйича тегишли ишлар олиб бориб, уни бартараф этиш чораларини кўриш, пул тушумларини ошириш бўйича кескин чоралар кўриш ва бошқа амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳақида фикр билдирди.

Бундан ташқари, 2023 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”даги кўрсаткичлар бугунги кунда амалда бўлган Тошкент шаҳар ҳокимининг 2023 йил 21 февралдаги 128-14-0-Қ/23-сонли “Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилadиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги айтди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Олтинчи масала Д.Ганиев сўзга чиқиб, қуйидагилани айтиб ўтди:

2022 йил 31 март куни ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори этиб Ш.Файзуллаев сайлангани ва у билан меҳнат шартномаси 3 йил муддатга тузилгани, меҳнат шартномасида ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига

жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши белгиланганини эслатиб ўтди.

Д.Ганиев ўз сўзида Ш.Файзуллаев шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа ўртасида ҳурматга эга бўлганлиги, меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берганлиги, бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2022 йилда ижобий кўрсаткичларга эришишда унинг ҳиссаси катта бўлганлиги, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолати, ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларининг даврийлиги инobatга олиниб, унинг меҳнат шартномаси муддатини давом эттирилишига эътироз бўлмаганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **еттинчи** масалага ўтиб, 2023 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага кун тартибидаги чиқарилгани ва муҳокама этилмаслиги йиғилиш бошида маъқуллангани инobatга олинди.

Кун тартибидаги **тўққизинчи** масала юзасидан жамиятда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг таклифи кенгаш томонидан маъқулланганлигини айтди ва “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари юзасидан тайёрланган маълумот билан таништириш учун сўз жамият мутахассис Н.Ёқубовга берди.

Н.Ёқубов сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “Назорат аудит” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Эски-Жува дехқон бозори” АЖ 6 балл йиғиб, унга “юқори” баҳо берилганлигини, фоиз жиҳатидаги якуний баҳоси 2,2 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди (*жамиятни Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосаси ва ҳисобот илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамият бош бухгалтер мовуни Т.Абдухалилов сўзга чиқиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувида жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан халқаро стандартларга кўра аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича тижорий таклиф берилиб, ушбу таклифларга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “SMIMIY AUDIT” МСНЖ - 15000000 сўм ҚҚС билан.
2. “GREAT FOURS” МЧЖ 12000000 сўм ҚҚС билан.
3. “IQTIDOR-AUDIT” МСНЖ 15000000 сўм. ҚҚС билан.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича жамиятнинг кадрлар бўйича масъул ходими сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасида бўладиган ўзгаришлар лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди.

Ушбу масала бўйича ҳеч кимда савол бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Н.Ёқубов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда)га тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги, яъни устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг қузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги, ушбу ўзгариш 2023 йил 20 апрелдан кучга кириши, шу муносабат билан мазкур қонунчилик талабига амал қилиш мақсадида жамиятнинг амалдаги уставига ўзгартириш киритилиб, янги таҳрирда ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги таҳрирдаги Устав лойиҳаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала бўйича жамият мутахассиси сўзга чиқиб, қонунчиликка кирган ўзгаришлар инobatга олинган ҳолда “Жамиятнинг Қузатув кенгаши ҳақида”ги низоми янги таҳрирда тайёрланганлигини билдириб, йиғилиш қатнашчиларини низом билан таништириб ўтди.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санoқ ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санoқ ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<p>1-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>2-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>3-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>
<p>4-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>5-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>6-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>
<p>7-масала</p> <p>7.1. Разоқов Аҳад Анварович 2 169 979 та овоз 7.2. Арифов Равшан Абдуллаевич 2 169 979 та овоз 7.3. Алимов Иномжон Саиткулович 2 169 979 та овоз 7.4. Расулов Камолитдин Райимберди ўғли 2 169 979 та овоз 7.5. Ганиев Дилмурод Ирқинoвич 2 169 979 та овоз 7.6. Қаримов Сардор Юлдашбаевич 2 169 979 та овоз 7.7. Комолов Толмас Қаримович 2 169 979 та овоз 7.8. Қаримов Малик Раҳимович 2 169 979 та овоз 7.9. Қосимов Миршоҳрух 2 169 979 та овоз</p>		
<p>8-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>9-масала</p> <p>1. “SMIMIY AUDIT” МСНЖ - 15000000 сўм Ёклаган 0–0%, Бетараф 0–0,0%, 2 169 979 100%. 2. “GREAT FOURS”МЧЖ 12000000 сўм - 10000.0 минг . Ёклаган 2 169 979 100%, Бетараф 0–0%, қарши 0-0 % 3. “IQTIDOR-AUDIT” МСНЖ 15000000 сўм. Ёклаган 0–0,0%, Бетараф 0–0%, қарши 2 169 979 100%.</p>	
<p>10-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>11-масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>12 масала Ёклаган 2 169 979–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Эски жува деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

4.1. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 1 032 106,0 минг сўм миқдорида олинган соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига қирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябрдан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин казиб олувчи корхоналар 2022 ва 2023 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисми яъни, 516.053,5 минг сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин;

- Соф фойдани 5% қисми яъни, 51 605,3 минг сўми жамиятнинг заҳира жамғармасига ажратилсин;

- Иловадаги рўйхатга мувофиқ умидсиз қарздорликни қоплашга- 308380,3 минг сўм (судларга берилган ва ижросиз бўлган ҳамда даъво муддати ўтган қарздорликлар) ажратилсин.

- қолган 156066,9 минг сўм соф фойда жамиятнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қолдирилсин. (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик зарур ҳолларда Кузатув кенгаши томонидан асосланган ҳолда ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

6. Жамият акциядорларининг 2022 йил 31 март куни ўтказилган навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори этиб Ш.Файзулаев сайлангани ва у билан меҳнат шартномаси 3 йил муддатга тузилгани инobatга олинсин ва жамиятда 2022 йилда ижобий кўрсаткичларга эришишда жамият раҳбарининг унинг ҳиссаси катта бўлганлиги, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолати, ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларининг даврийлиги инobatга олиниб, унинг меҳнат шартномаси муддатини давом эттирилишига эътироз бўлмагани маълумот учун қабул қилинсин.

7. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

7.1. Раззоқов Аҳад Анварович	2 169 979 та овоз
7.2. Арифов Равшан Абдуллаевич	2 169 979 та овоз
7.3. Алимов Иномжон Саитқулович	2 169 979 та овоз
7.4. Расулов Камолиддин Райимберди ўғли	2 169 979 та овоз
7.5. Ганиев Дилмурод Иркинович	2 169 979 та овоз
7.6. Каримов Сардор Юлдашбаевич	2 169 979 та овоз
7.7. Комолов Толмас Каримович	2 169 979 та овоз
7.8. Каримов Малик Рахимович	2 169 979 та овоз
7.9. Қосимов Миршоҳрух	2 169 979 та овоз

8. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб “GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 12.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин (Ёқлаган 2 169 979 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10.1. Жамият директори Ш.Файзуллаевга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, ташкилий тузилмага киритилган ўзгартиришларни қонун доирасида расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

11. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин. (ёқлаган 2 169 979 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 2 169 979 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: « ____ » апрел 2023 йил.

Йиғилиш раиси



Т.Камолов

Баённи олиб борди



Н.Ёкубов